
РАДДИЯ !

24-август куни @RakursUz телеграмм каналида манзили ноъаниқ ва муаллифи сир бўлган фуқаро номидан Олтиариқ туман ҳокимлиги хайдовчиси вазифасида ишловчи Зухриддин Исроиловни таъмагирликда айблаб қилинган мурожаати тарқатилди.

Ушбу даъво юзасидан туман ҳокимлигининг ахборот хизмати тезкор суриштирув ўтказди.

Ҳақиқатан ҳам Зухриддин Исроилов исм-шарифли шахс ҳокимнинг хизмат автомашинаси хайдовчиси вазифасида ишлайди. Бироқ, ижтимоий тармоқ орқали тарқатилган мазкур маълумот Зухриддин Исроилов томонидан тўлиқ рад этилди.

Унга нисбатан уюштирилган ёлғон ва тухмат бўйича ўз шаънини ҳимоя қилишни сўраб туман ИИБга шу куннинг ўзида мурожаат қилди. Аризасида исми-шарифи ва манзили беркитилган фуқаронинг шахсини аниқлаш ҳамда унга қонуний чора кўрилиши даъво қилинади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан масалага ҳуқуқий муносабат билдирилгач, албатта адолат қарор топади.

Шу ўринда, бу ҳаракат маълум бир шахсга нисбатан аноним маълумот ва исботсиз тухмат уюштириш, айниқса, давлат бошқаруви тизими идораларини жамоатчилик олдида обрўсизлантиришга уриниш, деб баҳоланади. Масалага ИИБнинг қидирув-тергов ҳаракатлари ойдинлик киритади, албатта.

Жараён ҳокимлик ахборот хизмати кузатувида эканлиги маълум қилинади.

2022-08-25 17:31:24